

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил февраль ойининг 8 куни жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди, ўз биносида очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: [REDACTED], суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгийўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED]

PLUS» адвокатлик бюросининг адвокати [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган

11.10.1995 йилда Сариосиё туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалламаган олий, уйланмаган, партиясиз, депутатликка сайланмаган, судланмаган, ишламайди, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Сўфиён қишлоғи, Хуршид кўчаси, 74-хонадонда яшаган, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 2 декабрь куни олган, [REDACTED] оид 1-1118-2102/350-сонли жиноят иши ни кўриб чиқиб,

суд судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] 2021 йил 09 октябрь куни соат 01:30 да, бошқарувидаги Нексия-1 русумли давлат рақам белгиси 75X364DA бўлган транспорт воситасида Янгийўл тумани худудидан ўтган М-39 Тошкент-Термиз ХАЙнинг 832 чақиримида, Зангиота тумани томондан Чиноз тумани томонга ҳаракатланиб кетаётиб, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 4-банди 1-қисми талабларига мувофиқ “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига халақит қилмасликлари керак” 73-банди талабларига мувофиқ “хайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситасини кескин тормоз берганда тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралик масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралик масофани сақлаши керак”, 77 банди 3-қисми талабларига мувофиқ “ҳаракатланиш вақтида хайдовчи аниқлай олиши имкониятида хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла



тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бузиб, ўзи билан бир йўналишда ортга қайрилиш учун тўхтаб турган Зангиота тумани, [REDACTED] кўрғони, Хамжихат кўчаси, 37-уйда яшовчи, 10.01.1977 йилда туғилган фуқаро [REDACTED] бошқарувидаги “Зил” русумли, давлат рақами 01L6210A бўлган транспорт воситасини йўлнинг ортга қайрилиш йўл белгиси ёнида ортга қайрилиш ҳаракатини амалга ошираётган вақтида ортидан уриб, ушбу Зил русумли транспорт воситасига тўқнашиши натижасида ортга юрилган вақтда ўзи билан бир йўналишда ортидан ҳаракатланиб келаётган Қашқадарё вилояти, Косон шаҳар, Бўлмас маҳалласи, Бунёдкор кўчаси, 36-уйда яшовчи, 04.11.1998 йилда туғилган фуқаро [REDACTED] ўғли бошқарувидаги Нексия-2 русумли давлат белгиси 70 М 521 КА бўлган транспорт воситаси билан тўқнашиб йўл транспорт ҳодисасини содир этиб, [REDACTED] тан жароҳат еказишга смабачи бўлганда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан айблаган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда жабрланувчилар билан бирор-бир тазйиқсиз ихтиёри равишда ярашиб олганлиги сабабли унга юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.

[REDACTED] қонуний вакили акаси Аббос Норалиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, уни укаси [REDACTED] ка судланувчи томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ярашув аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, судланувчи билан унга бирор-бир тазйиқсиз ўз ихтиёри билан ярашганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатув бериб, судланувчига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, уни транспорт воситасига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, ярашув аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, судланувчи билан унга бирор-бир тазйиқсиз ўз ихтиёри билан



ярашганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатув бериб, судланувчига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] касалиги туфайли суд мажлисига кела олмаслиги сабабли электрон почта орқали судга юборилган ярашув тўғрисидаги аризасини суд мажлисида уқиб эштириб муҳокама қилганда у, судланувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, транспорт воситасига етказилган моддий зарар судланувчи томонидан тўлиқ қопланганлиги, ярашув аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, судланувчи билан унга бирор-бир тазйиқсиз ўз ихтиёри билан ярашганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатув бериб, судланувчига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агарда у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчилар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] ва судланувчи М.Махамადиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иш ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи [REDACTED] муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқроорлиги, содир этилган қилмишининг оқибатларини англаб жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ бартараф қилганлигини, уларнинг ўзаро ярашишига бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, айбланувчи ва жабрланувчи ўз хоҳишлари билан ихтиёрий равишда ярашганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашув билан тугатиш мумкинлигини инобатга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафлар ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Норалиев Абдорбекнинг



қонуний вакилим [REDACTED] ва [REDACTED],
[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича далилий ашёлар мавжуд эмаслигини эътиборга олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585,586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

[REDACTED] ([REDACTED]
[REDACTED]) нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, унга нисбатан юритилган жиноят иш тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED]
[REDACTED], [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

М.Махамадиевга нисбатан қўлланган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Миралимов

Нусха аслига тўғри:

